

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 4**

Жондор.т

2022 йил « 10 » январ

Жондор туман телекоммуникация боғламаси (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида Рахбар Ш. Тухтаев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Жондор туман 1-сон БЎСМ (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида Рахбар А. Сулаймонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га Интернет тармоғидан фойдаланиш учун (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизматни кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати олдиндан 100% тулов амалга оширилгандан кейин 2022 йил " 31 "мартгача амалга оширилади.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз таллашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
 - "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022йил 1-чоракда бюджетдан ажратилган маблағлари доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекиннишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қандайдир кўра, 100 фоиз миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

**III. ШАРТНОМАНИНГ
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг 1-чоракда баҳоси 900000 (Тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 100% 900000 (Тўққиз юз минг) сўм миқдорда ҳар ойнинг охиригача санасигача олдиндан ҳақ тулайди
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юригади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада масъул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

6.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида муурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2016 йил 22-декабрда 2850-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қондалари"га асосан амал қилиш муддати "31" декабрь 2022 йилгача белгиланади)

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг қелишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро қелишув асосида, агар тарафлар қелиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибидида ҳал қилинади

7.3. Қелишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, қелишиш имкони бўлмаганда эса Бухорро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади

VIII. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
«Оператор»

«Абонент»

Жондор туман телекоммуникация боғламаси
(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор т. Истиклол кучаси 1 уй

Тел./факс 582-22-61

Х/р 20210000804074838412

Банк номи Бухоро Алоқа Банк

МФО 00401 ИНН 203366731

ОКОНХ 52300



Рахбар Ш. Тухтаев
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

Жондор туман 1-сон БЎСМ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Халқобод куча 29-уй

Тел./факс

Ғазна./х¹ 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банкнинг ХККМ

МФО 00014 ИНН 203138943

ОКОНХ 91700

ш/х² 100022860062467083610245001.

х/р³

Жондор туман Ғазначилик бўлини маси.

банк номи. Тошкент ш. Марказий банкнинг ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Рахбар А. Сулаймонов



М.Ў.

Ўзгиртувчус

Ш. Ахмедов

Лицензия № 003461

01.06.2021 йил

¹ - тегишли ғазна ҳисобварағи кўрсатилади.

² - тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Ғазначилик бўлини масида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.

³ - Бюджетдан маблағ олувчининг ғазначиликдаги бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварағи ёки банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи кўрсатилади.

Хизмат турлари ва тарифлар

(хисоб-китоб миллий валюта-сумда)

Хизматлар номи	Улчов бирли ги	Мик дори	нархи	Етказиб бериш бахоси	НДС		Етказиб бериш бахоси НДС Билан бирга
					Суммаси	15%	
Business Mini-Office- 2 (512kb)							
Абонент тулови					260 869.57	39 130.43	300 000
Business Mini-Office- 1 (256kb)							
Жами бир ойда							300 000
Хаммаси:	(1ойx3= 300 000) 900 000 тўққиз минг сўм						300 000
Трафик(сверхлимит)							300 000
Жами							900 000

Шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади

“Оператор”

Узбектелеком АК Бухоро филиали

Жондор туман телекоммуникация боғламаси

Рахбар



Ш.Тўхтаев